

Расмий баёнот



15:00 / 23.12.2023 2623

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 8 августдаги 345-сонли қарорига мувофиқ, жорий йил 1 ноябридан бошлаб фуқароларга «**Умра**» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишга оид хизматларни кўрсатиш фақат маҳаллий туроператорлар томонидан амалга оширилаётгани ҳақида хабар берилган [эди](#).

«**Умра**» зиёратига боришда қарорда келтирилган талаблардан келиб чиққан ҳолда махсус лицензияга эга бўлмаган туроператорлар хизматидан фойдалинишда огоҳ бўлишни ва кейинчалик турли кўнгилсиз ҳолатларга тушиб қолмаслик учун лицензияга эга бўлган [туроператорлар](#) билан ҳамкорликда ишлаш тавсия [этилади](#).

Лицензияга эга бўлмай «**Умра**» тадбирларини ташкил этиш билан шуғулланаётган 23 та тадбиркорлик субъектига камчиликларни бартараф

этиш бўйича муддатлар белгиланиб, кўрсатмалар берилди.

Белгиланган муддатларда камчиликларни бартараф этмаган **«Орзу Травел»** МЧЖ, **«Ласточка - Планета»** МЧЖ, **«Premier Wanderlust»** МЧЖ, **«Bobissalam-Travel»** МЧЖ, **«Muslim-Tour MT»** МЧЖ, **«Delta Smart Project»** МЧЖ ларнинг **«чиқиш туризми»** фаолияти билан шуғулланишга асос бўлган лицензиялари Тошкент шаҳар Туризм бошқармасининг қарорлари билан амалдаги қонунчиликка асосан 10 кун муддатга тўхтатилди.

Манба: https://t.me/Rasmiy_xabarlar_Official/40638